2016 ЙИЛ 9 ИЮНЬ, ПАЙШАНБА

Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 117 (13.180)

Баҳоси эркин нархда

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



Ислом Исмоилов олган суратлар



"Ўзэкспомарказ"да геология, ёқилғи-энергетика, кимё, нефть-кимё ва металлургия саноати масалалари комплекси тармоқ саноат ярмаркаси очилди. Унда 380 дан зиёд корхона ўз маҳсулотларини намойиш этмоқда.

ЯНГИ МАҲСУЛОТЛАР ВА МАНФААТЛИ ШАРТНОМАЛАР

Геология, ёқилғи-энергетика, кимё, нефть-кимё ва металлургия тармоқлари мамлакатимизнинг жадал ривожланаётган ишлаб чиқариш соҳалари ҳисобланади. Буни тармоқ ярмаркасига қизиқиш тобора ортиб бораётганида ҳам кузатиш мумкин. 2014 йили мазкур кўргазмада 250 дан зиёд корхона иштирок этган бўлса, ўтган йили 330 дан зиёд бизнес субъекти унда қатнашган. Ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни қўллаб-қувватлашга қаратилган чора-тадбирлар самарасида кўргазма стендларида "Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган" белгиси остидаги экспортбоп маҳсулотлар тури тобора кўпайиб бораётгани эътиборлидир.

Жорий йилги ярмаркада "Ўзбекнефтгаз" миллий холдинг компанияси, "Ўзбекэнерго", "Ўзбеккўмир", "Ўзкимёсаноат", "Ўзметкомбинат" акциядорлик жамиятлари, Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси, Навоий кон-металлургия комбинати, Олмалиқ кон-металлургия комбинати, Тошкент рангли металл парчалари ва резги-чиқитларни тайёрлаш ва қайта ишлаш заводи, Ўзбекистон қаттиқ қотишмалар ва ўтга чидамли металлар комбинати ҳамда улар таркибига кирувчи корхоналар, шунингдек, электротехника, мебель, қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчи корхоналар ҳамда тадбиркорлик субъектлари иштирок этмоқда.

Ярмарка стендлари орасида "Ўзбекнефтгаз" миллий холдинг компанияси таркибидаги корхоналар алоҳида ажралиб турибди. Соҳада ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш ишлари амалга оширилиб, тайёр маҳсулотларни маҳаллийлаштириш бўйича лойиҳалар ҳаётга татбиқ этилаётир.

Саноат форумида "Ўзбекнефтгазқазибчиқариш", "Ўзгеобурғунефтгаз", "Ўзтрансгаз", "Ўзнефтмаҳсулот", "Ўзнефтгазмаш", "Ўзнефтгазқурилишинвест" корхоналари фаол иштирок этмоқда. Улар томонидан геология-қидирув ишлари, углеводород хомашёсини қазиб олиш, қайта ишлаш ва транспортировка қилиш, нефть-газ объектларини қуриш, машинасозлик маҳсулотларини ишлаб чиқаришдан тортиб илмий-тадқиқот ва лойиҳа-қидирув ишлари ва тайёр маҳсулотларни ички ҳамда ташқи бозорда сотишгача бўлган барча турдаги нефть-газ амалиётлари бажарилмоқда.

Ярмаркада "Ўзкимёсаноат" акциядорлик жамияти тизимидаги корхоналар имкониятлари кенг намойиш этилмоқда. Бу ерда "Фарғонаазот", "Навоиазот", "Аммофос-Максам", "Максам-Чирчиқ", "Самарқандкимё" акциядорлик жамиятлари, Қўнғирот сода заводи, Қўқон суперфосфат заводи сингари 15 га яқин ишлаб чиқарувчи томонидан экспортга мўлжаллаб ишлаб чиқарилган товарлар, шунингдек, ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш ва кооперацион алоқаларни янада кенгайтириш асосида ўзлаштириш учун истиқболли бўлган маҳсулотлар билан танишиш мумкин.

"Samarqand NPK" қўшма корхонаси ярмаркада биринчи марта қатнашмоқда. Jiangsu Right Mashinery Group (Хитой) билан ҳамкорликда "Самарқандкимё" акциядорлик жамияти қошида ташкил этилган мазкур корхона йилига 240 минг тонна азот, фосфор ва калий моддаларини турли нисбатда ўзида бирлаштирган NPK ўғитини ишлаб чиқариш қувватига эга.

Компания мутахассисларининг таъкидлашича, жорий йилда тўла қувватда ишга тушадиган мазкур корхона мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган ўғитлардан юқори қийматга эга маҳсулотни ишлаб чиқариш ўзлаштирилишига хизмат қилади.

Мамлакатимиз металлургия тармоғининг етакчи корхонаси – "Ўзбекистон металлургия комбинати" акциядорлик жамияти томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар кўргазмаси ҳам кўпчиликда қизиқиш уйғотмоқда. Бу ерда комбинатда ишлаб чиқарилган кўплаб маҳсулотлар билан танишиш мумкин. Уларнинг 12 таси маҳаллийлаштириш дастурлари доирасида ишлаб чиқарилган бўлиб, ҳар бир лойиҳа бўйича батафсил маълумот олиш мумкин.

(Давоми 2-бетда)

Ўзбекистоннинг интеллектуал салоҳияти

ИННОВАЦИЯ ВА ТАРАҚҚИЁТ

Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент давлат техника университетида янги инновацион лойиҳалар ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этиш борасида самарали изланишлар олиб борилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2008 йил 15 июлдаги "Инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори бунда дастуруламал бўлаётир.

Шу йил 11-13 май кунлари пойтахтимизда ўтказилган IX Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар республика ярмаркасида университет профессор-ўқитувчилари, ёш олимлари, магистрант ва иқтидорли талабалари саноат, ахборот технологиялари, экотехнологиялар йўналишларида саксон бешта янги инновацион ишланмаси билан иштирок этди.

Ярмаркада "Талабаларнинг энг яхши инновацион лойиҳаси" йўналиши бўйича университетнинг 4-курс талабаси Сирожиддин Насриддинов, "Энг яхши экотехнологиялар" йўналиши бўйича катта илмий ходим-изланувчи Қосим Тўхтаохунов ғолибликни қўлга киритди. Нефть ва газ йўналиши бўйича иштирок этган талаба Нодира Мирсаидованинг ишлари "Ўзбекнефтгаз" миллий холдинг компанияси томонидан муносиб рағбатлантирилди.

– Инновацион форумда "Металл учун лазерли кесиш дастгоҳи", деб номланган лойиҳам билан иштирок этдим, – дейди ЎзА мухбирига С.Насриддинов. – Дастгоҳ машинасозликда ва бошқа соҳаларда кенг қўлланилади. У юқори аниқлик ва тезлиги, энергиятежамкорлиги билан ажралиб туради. Ишлаш муддатини 400 минг соатгача етказиш мумкин. Мамлакатимизда инновацион фаолиятни қўллаб-қувватлашга қаратилаётган эътибор замонавий техника ва технологияларга бўлган қизиқишимизни янада ошириш билан бирга, илмий тадқиқотларимизни кенг жамоатчиликка намойиш этиш имконини ҳам бермоқда.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси, Фанлар академияси, Касаба уюшмалари федерацияси ва "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамкорлигида ўтказилган "Ёшларнинг инновацион ғоялари" республика кўрик-танловида мазкур олий ўқув юртининг юзга яқин салоҳиятли ёш олимлари фаол иштирок этди.

Университетда илмий ихтироларни патентлаш самарали ташкил этилгани натижасида сўнгги уч йилда Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигидан қирқ учта интеллектуал мулк объектига патент олинди. Ушбу ихтироларнинг аксарияти саноат корхоналарида амалиётга татбиқ этилаётир. Соҳа мутахассислари агентлик томонидан мунтазам ўтказиб келинадиган энг яхши интеллектуал мулк объектлари учун "Янги интеллект" йиллик танловида "Энг яхши фойдали модель", "Энг яхши ихтиро" йўналишларида юқори ўринларни эгаллаб келмоқда.

Жорий йилда Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлиги, Жаҳон интеллектуал мулк ташкилоти ҳамкорлигида ташкил этилган "Интеллектуал мулк соҳасида энг яхши корхона" мукофоти учун танловда университет олимлари ва ёш тадқиқотчилари жамоаси ишлаб чиқариш корхоналарида жорий этилган ва иқтисодий самараси 12 миллиард сўмдан ортиқ бўлган қирқ бешта патенти билан иштирок этди. Улар танловда муносиб баҳоланиб, Жаҳон интеллектуал мулк ташкилотининг "Интеллектуал мулк соҳасида энг яхши корхона" мукофоти билан тақдирланди.

Иқтидорли талабалар ва ёш олимлар томонидан тақлиф этилаётган рационализаторлик таклифлар, инновацион ишланмалар сафини кенгайтириш мақсадида университетда "Ихтирочи ёшлар мактаби" фаолияти йўлга қўйилган. Ихтисослаштирилган кафедралар базасида қирқдан зиёд инновацион гуруҳ ташкил этилиб, мамлакатимиз саноат корхоналари билан корпоратив ҳамкорлик тўғрисида шартномалар тузилган.

Бу борадаги изчил ҳамкорлик илмий кашфиётларни ишлаб чиқариш жараёнига самарали татбиқ этиш, ёш олимларни ҳар томонлама рағбатлантириш, мамлакатимиз иқтисодий ва ижтимоий тараққиётига муносиб ҳисса қўшишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Барно МЕЛИҚУЛОВА

БОЖХОНА ИМТИЁЗЛАРИ ТАДБИРКОРЛАРГА МАДАД

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси томонидан "Навоий" эркин индустриал-иқтисодий, "Ангрен" ва "Жиззах" махсус индустриал зоналарида ташқи иқтисодий фаолият иштирокчиларига берилаётган божхона имтиёзлари тўғрисида матбуот анжумани ўтказилди.

Қўмита раиси ўринбосари Ғ.Шукуров ва бошқалар Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимизда иқтисодиётни эркинлаштириш ва модернизациялаш, шу орқали жаҳон стандартларига мос маҳсулот ишлаб чиқаришга эришиш, хорижий сармояларни жалб қилиш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилаётганини таъкидлади.

"Навоий" эркин индустриал-иқтисодий зонасида Жанубий Корея, Хитой, Сингапур, Бирлашган Араб Амирликлари, Ҳиндистон каби мамлакатлар билан ҳамкорликда бир қатор лойиҳалар амалга ошириб келинмоқда. Айни пайтда бу ерда ноозиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва озиқ-овқат маҳсулотларини қайта ишлаш, ўраш ҳамда сақлашга ихтисослашган 23 корхона фаолият кўрсатмоқда.

Бугунги кунга қадар мазкур зонага 122 миллион доллар миқдорида инвестиция киритилган, уларнинг 35 фоизини хорижий инвестициялар ташкил этади. Бундай натижаларга эришишда божхона имтиёзларининг ўрни беқиёс.

"Навоий" эркин индустриал-иқтисодий зонасида рўйхатга олинган хўжалик юритувчи субъектлар томонидан экспортга маҳсулот ишлаб чиқариш мақсадида хориждан олиб келинадиган асбоб-ускуналар, хомашё материаллар ва бутловчи қисмлар 30 йил муддатга божхона тўловларидан озод қилинган.

– Индустриал зонада жорий қилинган божхона имтиёзлари экспортни рағбатлантиришда муҳим омил бўлмоқда, – дейди Давлат божхона қўмитаси бўлим бошлиғи Дониёр Юсупов. – Хусусан, бу ерда ишлаб чиқарилган маҳсулот ички бозорда сотилганда ушбу товар учун импорт қилинган хомашё ва материаллар божхона тўловларидан 50 фоизга, агар маҳсулот хорижга экспорт қилинса тўлиқ озод қилинади.

"Ангрен" ва "Жиззах" махсус индустриал зоналарини ташкил этишда ҳам ушбу зонада фаолият юритадиган тадбиркорлик субъектларига бир қатор имтиёзлар берилган. Лойиҳаларни амалга ошириш доирасида хориждан олиб келинадиган ускуналар, бутловчи буюмлар ва материаллар божхона тўловларидан озод қилинган. Мазкур имтиёзлар киритилган инвестициялар ҳажмига қараб 3 йилдан 7 йилгача муддатга берилади.

Ушбу имтиёзлар тадбиркорлик субъектларини рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқариш, бу жараёнга замонавий техника ва технологияларни татбиқ этиш ва инновацион ғоялар устида изланишга ундайди.

Тадбирда журналистларнинг саволларига жавоб қайтарилди.

Н.НАСРИЕВ,
ЎзА мухбири

ХХI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Андижон вилояти Марҳамат туманида "Она ва бола соғлом бўлса – жамият мустаҳкам, мамлакат барқарордир" мавзусида кўргазмали семинар бўлиб ўтди. "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастури ижроси доирасида вилоят хотин-қизлар қўмитаси, халқ таълими, соғлиқни сақлаш бошқармалари ҳамда Марҳамат тумани ҳокимлиги ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда туман ва шаҳарлар ҳокимларининг хотин-қизлар, ижтимоий-иқтисодий масалалар бўйича ўринбосарлари, халқ таълими, соғлиқни сақлаш муассасалари раҳбарлари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

● Бухорода банк технологиялари, асбоб-ускуналари ва хизматлари "BankExpo – 2016" ҳудудий миллий кўргазмаси ўтказилди. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ташаббуси билан Бухоро вилояти ҳокимлиги ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда кичик бизнес субъектлари раҳбарлари, хорижий корхоналар вакиллари, касб-ҳунар коллежлари битирувчилари иштирок этди.

● Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси Фарғона вилояти кенгаши томонидан интернет маданиятини юксалтириш ва ахборот хавфсизлигини таъминлаш мавзусида давра суҳбати ўтказилди. Бешариқ ижтимоий-иқтисодиёт касб-ҳунар коллежида ташкил этилган тадбирда партия вилоят ташкилоти вакиллари ва ёшлар иштирок этди.

● Тошкент марказий темир йўл вокзалида Паркент ва Ўрта Чирчиқ туманларидаги "Бойчечак" ҳамда "Меҳржон" оромгоҳларига ёзги таътилни мароқли ўтказиш учун Хоразм вилоятидан келган 450 нафар бола кутиб олинди.

ЖАҲОНДА

● БМТ Хавфсизлик Кенгаши Шимолий Корея томонидан амалга оширилган охирги ракета синовларини қоралади ва ўз баёнотида жаҳон ҳамжамиятини ушбу мамлакатга қарши чораларни кучайтиришга чақирди.

● Американинг Флорида штатида Колин номли тропик тўфон ёпирилиши муносабати билан фавқулодда ҳолат жорий этилди. Метеорология хизмати маълумотига кўра, бу ерда шамол тезлиги соатига 80,5 километрга етиб, ёғин миқдори 12,7 сантиметрни ташкил этган. Маҳаллий ҳокимият табиий офат оқибатларини бартараф этиш мақсадида ҳукуматдан моддий ёрдам ҳамда миллий гвардияни сафарбар этишни сўради.

● Дунёга машҳур "Fortune" журнали томонидан жаҳондаги энг йирик корпорациялар рейтинги эълон қилинди. Унда бир йиллик даромади 482,130 миллиард АҚШ долларидан иборат Walmart супермаркетлар тармоғи биринчи ўринни эгаллади. "Exxon Мобиль" нефть компанияси ва мобилалоқа воситалари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган "Apple" компанияси дастлабки учликка киришди.

Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари

Мамлакатимизда бўлиб ўтаётган фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчилари сайловида аҳоли фаол иштирок этиб, энг муносиб номзодларга овоз бермоқда.

МУНОСИБЛАР САЙЛАНМОҚДА

Маълумки, республикамизда истиқлол йилларида юксак демократик талаблар ва умумэътироф этилган халқаро стандартларга мос, ҳар кимнинг давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлаш ва сайланиш ҳуқуқини таъминлайдиган сайлов тизими яратилди. Шу боис ҳам сайловга юксак савияда тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш, фуқароларнинг сайлов ҳуқуқини тўлиқ амалга ошириш учун шарт-шароит яратиш борасидаги қонун ижодкорлиги изчил тарзда такомиллаштириб борилмоқда.

Айни кунларда бўлиб ўтаётган фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг оқсоқоллари сайловларида ҳар томонлама муносиб номзодларнинг сайланиши — маҳалла институти мавқеини янада оширади. Ушбу лавозимларга эл-юрт орасида обрў-эътибор қозонган ҳамда ишчан, ташаббускор инсонларнинг сайланиши халқимиз ишончи, умид-орзуларига ҳамоҳанг бўлади.

Тенглик, муқобиллик ва қонунчилик асосларига тўлиқ риоя қилинган ҳолда ўтаётган ушбу фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчилари сайлови бугун қизғин паллада. "Маҳалла" хайрия жамоат фонди Тошкент шаҳар бўлими бошқарувидан олинган маълумотга кўра, шу кунгача шаҳримиздаги 480 та маҳаллада фуқаролар йиғини раиси ва 7000 дан ортиқ маслаҳатчилар сайланди. Фуқаролар маҳаллалари гуллаб-яшнаши, аҳоли фаровонлигига ҳисса қўшадиган, масъулиятни тўлиқ ҳис эта оладиган номзодларни қўллаб-қувватлаб овоз бермоқдалар.

— Шайхонтоҳур туманида 51 та маҳалла фуқаролар йиғини бўлиб, шу кунгача 45 та маҳаллада сайловлар бўлиб ўтди, — дейди туман "Маҳалла" хайрия жамоат фонди бўлинмаси масъул котиби Улуғбек Орифхўжаев. — Уларда сайланган 45 та раисларнинг 32 нафари фуқаролар томонидан катта ишонч билдирилган янги раислар, 731 нафар маслаҳатчи сайланган бўлса уларнинг 444 нафари ушбу лавозимда энди иш бошлайди. Биз сайловларнинг ўтиш жараёнида қатнашиб шунга ишонч ҳосил қилдикки, аҳоли бўлиб ўтаётган сайловларга беэътибор эмас, аксинча, фуқаролар йиғини раислигига муносиб номзоднинг сайланишидан маҳалла ҳам, қолаверса ҳар бир оила ҳам манфаатдор эканини тушуниб етган.

Шу ўринда тумандаги "Бўстон" маҳалласида бўлиб ўтган сайлов тўғрисида фикр билдириб ўтишни лозим топдик. Олти мингдан зиёд аҳоли истиқомат қилаётган обод ва озода мазкур маҳаллада фуқаролар йиғини раислигига иккита номзод кўрсатилган эди. Маҳалланинг ҳурмат-эъзозида бўлган ҳар бир номзод ўз дастурини сайловчиларга маълум қилди.

Номзодлар орасидан Баҳодир Усмоновнинг дастурида кўзда тутилган келгуси режа ва масалалар маҳалла аҳлига маъқул келиб, у очиқ овоз бериш йўли билан маҳалла раислигига сайланди.

Сайловда маҳалланинг энг фаол ва ташаббускор вакилларидан ўн икки нафари фуқаролар йиғини маслаҳатчилари этиб сайланди.

Шоира МУҲАМЕДОВА

ЯНГИ МАҲСУЛОТЛАР ВА МАНФААТЛИ ШАРТНОМАЛАР

(Давоми. Боши 1-бетда)

– Тармоқ ярмаркалари ўзаро манфаатли ҳамкорликни йўлга қўйиш, тармоқ ичида ва тармоқлараро саноат кооперациясини янада ривожлантиришда муҳим омил бўлмоқда, – дейди ЎзА мухбирига "Ўзметкомбинат" АЖ бош муҳандис хизмати раҳбари Акмал Шарипов. – Ўтган йилги ярмаркада маҳсулотларни сотиш бўйича 187 миллиард сўмликдан зиёд шартномалар имзолаган эдик. Бу йил бу кўрсаткични 200 миллиард сўмдан оширишни режалаштирганмиз.

Ярмаркада "Олмалиқ кон-металлургия комбинати" акциядорлик жамияти тизимидаги корхоналар томонидан 150 турдан ортиқ маҳсулотлар таклиф этилмоқда. Улар орасида Жиззах цемент заводи, Ангрен труба заводи маҳсулотлари кўпчиликнинг диққатини тортди. Хусусан, 2013 йилда "Ангрен" махсус индустриал зонасида ташкил этилган "Ангрен труба заводи" унитар корхонасида маҳаллий хомашёдан юқори қийматга эга мис трубалар ишлаб чиқарилмоқда. Маҳсулотнинг 85 фоизини экспортга чиқариш кўзда тутилган.

Жамият маълумотларига кўра, жорий йилда Маҳаллийлаштириш дастурига мувофиқ 34 лойиҳанинг амалга оширилиши 23,9 миллион доллар ҳажмдаги маблағни тежаб қолиш имконини беради.

Тармоқ ярмаркасида кичик бизнес субъектлари ҳам фаол иштирок этмоқда. "Жиззах" махсус индустриал зонасида фаолият кўрсатаётган "Ёркин чироқлар" Ўзбекистон – Корея қўшма корхонаси иқтисодиёт тармоқлари учун мўлжалланган светодиодли лампаларни намойиш этмоқда.

– Корхонамиз 2015 йилда ташкил этилган бўлиб, 7 ваттли светодиодли лампалар, 100 ваттли кўчаларни ёритиш мосламалари ишлаб чиқармоқда, – дейди корхона раҳбари Хайрулло Отабоев. – Ярмаркада ишлаб чиқаришни кенгайтириш юзасидан янги ҳамкорлар топишни мўлжаллаганмиз.

Тадбирда мамлакатимизнинг йирик саноат корхоналари томонидан кооперация алоқаларини кенгайтириш, маҳаллийлаштириш лойиҳаларида иштирок этиш истиқболларига бағишланган тақдимотлар ўтказилмоқда.

Ярмарканинг очилишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ғ.Ибрагимов сўзга чиқди.

Беҳзод БОЗОРОВ

СУД-ҲУҚУҚ ИСЛОҲОТЛАРИ ЙЎЛИДА

Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Республикаси Олий суди томонидан "Суд-ҳуқуқ тизимига ахборот-коммуникация технологияларининг жорий этилиши – ишларни кўришнинг сифат ва самарадорлигини оширишга хизмат қилмоқда" мавзусида давра суҳбати ташкил этилди.

Тадбирда таъкидланганидек, мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган изчил ва босқичма-босқич ислоҳотларнинг замирида қонун устуворлигини таъминлаш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатли ҳимоя қилиш учун зарур шарт-шароитлар яратишдек эзгу мақсад мужассам.

Шу маънода судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларининг жорий этилиши соҳадаги янгиланишларнинг узвий давоми ҳисобланади. Қайд этилдики, бу борадаги кенг кўламли ишлар давлатимиз раҳбарининг 2012 йил 21 мартдаги "Замонавий ахборот-коммуникация технологияларини янада жорий этиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори ва Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 10 декабрдаги қабул қилинган "Судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори билан тасдиқланган судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш дастури доирасида амалга оширилмоқда.

Мазкур дастур асосида судлар фаолиятида компьютерлаштириш даражаси ва компьютер техникасидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, судларда ахборот тизимлари ва ресурсларини яратиш, тадбиркорлик субъектлари ва аҳолига кўрсатиладиган интерфаол хизматлар кўламини кенгайтириш ва сифатини яхшилаш борасида изчил ишлар олиб борилмоқда.

Ушбу ҳуқуқий хизматлар ижроси бўйича, шунингдек, умумий юрисдикция судлари фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этишнинг концептуал йўналишлари ва мақсадли кўрсаткичлари белгилаб олинди ҳамда Ўзбекистон Республикаси умумий юрисдикция судларида ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш концепцияси яратилди.

Жумладан, ўтган даврда Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан ҳамкорликда қуйи судларда маҳаллий ҳисоблаш тармоқларини ташкил этиш ва уларни корпоратив тармоққа бирлаштириш борасида зарур техник ҳужжатлар ишлаб чиқилди.

Қоғозсиз ва автоматлаштирилган иш жараёнларига босқичма-босқич ўтиш йўли билан суд ишларини юритишнинг тезкорлигини таъминлаш чоралари кўрилмоқда. Бу борада фуқаролар учун маълумотлар алмашишнинг электрон воситалари орқали даъво, илтимоснома ва уларга илова қилинадиган ҳужжатлар билан биргаликда судга мурожаат қилиш имкониятини яратиш бўйича ҳам муайян ишлар амалга оширилди. Бу эса, жумладан, интерфаол суд хизматини йўлга қўйиш ҳамда ортиқча сансалорликларни камайтириш имконини беради.

Юқорида қайд этилган қонун ҳужжатлари ижросини таъминлаш мақсадида "Ўзбекистонда қонун устуворлиги йўлида ҳамкорлик" қўшма лойиҳаси фаолияти доирасида яратилган E-sud миллий электрон судлов тизимининг суд буйруғини ишлаб чиқариш бўйича қисми бугунги кунда фуқаролик ишлари бўйича Зангиота, Юқори Чирчиқ, Бекобод туманлараро судлари, Тошкент шаҳрида фуқаролик ишлари бўйича Яккасарой, Мирзо Улуғбек, Миробод, Шайхонтоҳур ва Учтепа туманлараро судларида самарали фаолият юритмоқда.

2015 йил 9 июнда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида"ги қонунига асосан, амалдаги Фуқаролик процессуал кодексининг 39 та моддасига тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди ва жорий йилнинг 1 январидан бошлаб фуқаролик ишлари бўйича судларга электрон шаклда мурожаат қилиш тартиби белгиланди.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, фуқаролик ишлари бўйича Зангиота туманлараро судига 2014-2015 йиллар давомида жисмоний ва юридик шахслар томонидан E-sud тизими орқали қарийб 70 мингта электрон тарздаги мурожаатлар келиб тушган. Бу мурожаатларнинг умумий қиймати 16 миллиард сўмдан ортиқ бўлган 31 мингта даъволар қаноатлантирилди. Тошкент шаҳри фуқаролик ишлари бўйича Яккасарой, Мирзо Улуғбек, Миробод, Шайхонтоҳур ва Учтепа туманлараро судларига эса, жорий йилнинг уч ойи мобайнида жисмоний ва юридик шахслар томонидан тизим орқали жўнатилган 7 минг 300 та электрон тарздаги мурожаатнинг 4 минг 500 дан ортиғи қаноатлантирилган.

E-sud миллий электрон ахборот судлов тизимини судлар фаолиятига янада жадал суръатларда жорий этиш ва ундан самарали фойдаланишни таъминлаш мақсадида Олий суд Раёсатининг 2016 йил 28 январдаги "Фуқаролик ишлари бўйича Республика судларида электрон алоқа воситаларидан фойдаланган ҳолда берилган мурожаатларнинг кўриб чиқилишини таъминлаш ҳамда Тошкент шаҳар ва Тошкент вилоят судларида "E-sud" миллий электрон судлов ахборот тизимидан фойдаланишни йўлга қўйиш тўғрисида"ги қарори қабул қилинди.

Матбуот анжуманида алоҳида таъкидланганидек, ушбу тизим жисмоний ва юридик шахсларнинг судларга мурожаат қилиш жараёнини тезлаштириш ва судларда ишларни кўриш самарадорлигини оширишга хизмат қилади. Бир сўз билан айтганда, судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларининг изчил жорий қилиниши, ҳеч шубҳасиз, инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини суд орқали ҳимоя қилиш имкониятларини янада кенгайтиради.

З.ШАРИФЖОНОВ



Шаҳримизнинг обод манзиллари

Мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида оила, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, аҳолининг тиббий маданиятини юксалтириш борасида бир қатор эзгу саъй-ҳаракатлар амалга оширилмоқда.

Анжуманлар

ФАОЛЛИК ВА ТАШАББУСКОРЛИК ЗАРУР

"Соғлом авлодни тарбиялаш — буюк давлат пойдеворини, фаровон ҳаёт асосини қуриш деганидир". Давлатимиз раҳбари томонидан истиқлолнинг илк йилларида илгари сурилган бу ғоя мамлакатимизнинг бош мақсадини, давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишини белгилаб берди. Ўтган 25 йил давомида бу эзгу мақсад йўлида улкан ишлар амалга оширилди. Мамлакатимизда оналар ва болалар саломатлигини сақлаш, соғлом ва баркамол, юксак интеллектуал салоҳиятга эга авлодни камол топтириш учун барча зарур шароитлар яратилди.

Тошкент молия институтида Республика ва шаҳар хотин-қизлар қўмитаси томонидан Юртбошимизнинг 2004 йил 25 майдаги "Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони ва 2014 йил 1 августдаги "2014-2018 йилларда Ўзбекистон аҳолисининг репродуктив саломатлигини янада мустаҳкамлаш, оналар, болалар ва ўсмирлар соғлиғини муҳофаза қилиш борасидаги давлат дастури тўғрисида"ги Қарори ижроси йўлида ташкил этилган анжуманда айнан юқоридаги фикрлар доирасида сўз борди.

Унда туманлар ҳокими ўринбосарлари, хотин-қизлар қўмиталари раислари, халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлимлари мудирлари, Юнусобод туманида жойлашган олий таълим ўқув юртлари хотин-қизлар қўмитасининг бошланғич ташкилотлари раислари, тумандаги касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейларнинг директорлари ва хотин-қизлар қўмитасининг бошланғич ташкилотлари раислари, умумтаълим мактаблари директорлари ҳамда мактаблардаги хотин-қизлар қўмитасининг бошланғич ташкилотлари раислари иштирок этдилар.

Тадбирда сўз олган Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари, шаҳар хотин-қизлар қўмитаси раиси Ф.Абдураҳимова ва бошқалар Президентимиз раҳнамолигида оналар ва болалар саломатлигини асраш, соғлом авлодни вояга етказишда жисмоний тарбия ва спортнинг ролини ошириш йўлида амалга оширилаётган кенг кўламли саъй-ҳаракатлар борасида, шу билан бирга ушбу вазифалар ижросини таъминлашда хотин-қизлар қўмитаси ва бошланғич ташкилотлар фаоллигини ошириш зарурлиги тўғрисидаги фикр ва мулоҳазаларни билдириб ўтди.

Бугун ҳаётимиз, онгимиз, дунёқарашимиз ўзгармоқда. Хотин-қизларимиз ўз соғлиғига, келажагига ўзлари масъул эканини тушуниб етмоқдалар. Шундай экан корхона, идора ва ташкилотлар, ўзини ўзи бошқариш органлари, олий ўқув юртлари, коллеж, лицейлар, умумтаълим мактаблари ва мактабгача таълим муассасаларида фаолият юритаётган хотин-қизлар қўмитаси бошланғич ташкилотлари фаоллигини ошириш, ёшлар, айниқса қизлар ҳамда аёллар ўртасида маънавий-маърифий ишларни ташкил этишнинг самарали шакл ва усулларини йўлга қўйиш зарурлиги алоҳида таъкидланди.

Шунингдек, таълим муассасаларида меҳнат қилаётган аёллар ва ўқувчи қизлар ўртасида миллий қадриятларимизни тиклаш, жамоада барқарор соғлом маънавий муҳитни яратиш мақсадида маданий-маърифий тадбирларни ўтказиш, хотин-қизлар орасида меҳнат муҳофазаси масалаларини амалга ошириш, уларнинг ҳуқуқий, иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий саводхонлигини ошириш, оила мустаҳкамлиги, ўзи яшаб келаётган маҳаллада аёллар ҳамжиҳатлиги ва фаоллиги муҳим эканлиги тўғрисидаги дунёқарашни шакллантиришга эътиборни қаратиш лозимлиги ҳақида ҳам алоҳида фикр-мулоҳазалар ва тавсиялар берилди.

Барчада катта таассурот қолдирган ушбу анжуманда қатнашчилар ўзлари учун зарур бўлган маслаҳатларни олдилар.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси Э.Боситхонова қатнашди.

Шаҳризода МУҲСИМОВА

УНИВЕРСИТЕТДА ОЧИҚ ЭШИКЛАР КУНИ

Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент давлат техника университетида "Очиқ эшиклар куни" ташкил этилди. Унда университет профессор-ўқитувчи ва талабалари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари, ота-оналар иштирок этди.

Университет ректори Р.Саидаҳмедов ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида ёшларни юксак маънавиятли, пухта билим ва кенг дунёқараш соҳиби этиб вояга етказиш, ўз қизиқиши ва лаёқати бўйича касб-ҳунарга йўналтириш, иқтидорини юзага чиқариш борасида амалга оширилаётган ишлар юқори малакали мутахассислар тайёрлашга хизмат қилаётганини таъкидлади.

Бугунги кунда 53 йўналиш бўйича мутахассислар тайёрланаётган ушбу олий таълим муассасасида ўқиш истагида бўлган ёшлар сони йил сайин ортиб бораётир. Ана шундай йигит-қизларни "Очиқ эшиклар куни"га таклиф этиб, учрашувлар ўтказиш университетда яхши анъанага айланган. Бу галги тадбир ҳар йилгидан бошқача тартибда – тест синовлари олдидан ўзига хос машқ шаклида ўтказилди.

Бўлажак абитуриентларга давлат тест имтиҳонлари олдидан ўз билимларини синаб кўриш имкониятини бериш мақсадида тест синовлари ташкил этилди.

– Бу ерда мамлакатимиз саноатининг муҳим йўналишларидан бўлган нефть-газ, кон-металлургия, кимё, қурилиш тизими ва бошқа корхоналар учун малакали мутахассислар тайёрланади, – дейди университетнинг маънавият ва маърифат ишлари бўлим бошлиғи Турсунмурод Маматқобилов. – Ўқув хоналари, махсус лаборатория, лингафон, информатика, мультимедиа хоналари, ахборот-ресурс маркази ва спорт мажмуасида талабаларнинг замонавий билим олиши, муайян касбни пухта эгаллаши учун барча шароит яратилган. Тадбирда ўқувчиларга университетдаги мавжуд мутахассисликлар, шарт-шароит ва имкониятлар ҳақида маълумот берилди.

Университет талабалари томонидан тайёрланган инновацион ишланмалар, ижодий ишлар кўргазмаси иштирокчиларда қизиқиш уйғотди.

– Нанотехнологияларига жуда қизиқаман, – дейди Тошкент давлат техника университети қошидаги академик лицей битирувчиси Зулхумор Ҳайдарова. – Университетда яратилган шарт-шароитлар менга маъқул бўлди. Ушбу олий ўқув юртига ўқишга кириш учун тест синовлари топширишга аҳд қилдим.

Ш.МАМАТУРОПОВА,
ЎзА мухбири

"Биз буюк юрт фарзандларимиз"









Ислом Исмоилов олган суратлар

ЮКСАК МАЪНАВИЯТЛИ ЁШЛАР – КЕЛАЖАК ПОЙДЕВОРИ

Шайхонтоҳур туманидаги иккинчи республика тиббиёт коллежида давлатимиз мустақиллигининг 25 йиллиги муносабати билан "Биз буюк юрт фарзандларимиз" шиори остида ўтказилаётган ёшлар фестивали доирасида "Оммавий маданият" ва "ёшлар маънавияти" лойиҳаси бўйича тадбир бўлиб ўтди.

Унда ёшлар келажагига таҳдид солаётган "оммавий маданият" ва унинг зарарли оқибатлари, унинг олдини олиш ва унга қарши курашиш йўллари, миллий қадриятларимиз, маданий меросимизни асраб-авайлаш, уларни келажак авлодга етказишда ёшларнинг ўрни, фарзандларнинг ўз ота-оналари ва Ватани олдидаги бурчлари ҳақида сўз юритилди.

Мамлакатимизда ёшларни маънан етук, теран фикрлайдиган, турли ёт ғоя ва иллатларга қарши кураша оладиган, ўзлигини, миллийлигимизни яхши англаган инсонлар қилиб тарбиялашга энг устувор йўналишлардан бири сифатида қаралмоқда. Дарҳақиқат, тарихи неча минг йилларга бориб тақаладиган ўзбекона урф-одатларимиз, анъаналаримиз, миллийлигимиз бор. Бугун ёшларимиз шуни ҳис қилган ҳолда улғайиши, миллий менталитетимизга хос юриш-туриш, кийиниш маданиятига амал қилиши лозимлиги тадбирда сўзга чиққанлар томонидан алоҳида таъкидлаб ўтилди.

– Ушбу тадбир ёшларимизда соғлом ва мустақил фикрлашни ривожлантириш, Ватанимиз тинчлиги ва равнақи, халқимиз фаровонлигини таъминлашда барча бирдек масъул эканлигини англашида, миллий ва диний қадриятларимизга ҳурмат руҳида ўсишида катта аҳамият касб этади, – дейди "Камолот" ЁИҲ Шайхонтоҳур туман кенгаши раиси Лазиз Тўраев. – Тарғибот гуруҳи аъзолари томонидан қилинган маърузалар, айтилаётган гаплар ёшларимизнинг маънавий дунёқарашини ўзгартирмоқда. Улар мустақилликни, юртимиздаги тинчликнинг нақадар улуғ неъмат эканлигини англаб етмоқда. Бу эса уларни ватанпарвар, юртга садоқатли, Ўзбекистонимиз равнақи йўлида хизмат қиладиган инсонлар бўлиб етишида муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

– Мен бугунги тадбирдан шуни англадимки, биз, ёшлар ўзимиз учун нима фойдаю нима зиён эканлигини тушуниб етишимиз лозим, – дейди коллеж ўқувчиси Зебо Негматуллаева. – Ўзлигимизни англаган ҳолда миллий маданиятимизни сақлаш барча ёшларнинг бирдек вазифаси эканлигини унутмаслигимиз керак. Шу билангина юксак марраларга етишимиз мумкин.

Тадбирда коллеж ўқувчилари томонидан ижро этилган куй-қўшиқлар ва рақслар барчага бирдек хуш кайфият улашди.

* * *

Мирзо Улуғбек туманидаги "Камолот" ёшлик спорт мажмуасида ҳам "Биз буюк юрт фарзандларимиз" шиори остидаги ёшлар фестивали доирасида "Биз соғлом турмуш тарзи тарафдоримиз" лойиҳасида футбол шоу ҳамда концерт дастури намойиш этилди.

Тадбирда эл севган санъаткорлар, кино ва театр актёрлари, ёш ижрочилар, юксак натижаларни қайд этган спортчилар ҳамда туман ёшлари иштирок этишди. Унда ёш санъаткор ва актёрлардан иборат жамоа "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати фаоллари билан футбол шоу уюштиришди.

Юртимизда ёшларни спортга жалб қилиш, уларда соғлом турмуш тарзини шакллантириш, жисмонан бақувват, руҳан тетик бўлиб вояга етиши йўлида кўплаб ишлар амалга оширилаётир. Спортчи ёшларимиз қўллаб-қувватланиб, спорт иншоотларининг моддий-техник базаси мустаҳкамланмоқда. Бунинг натижаси ўлароқ кўплаб ёшларимиз халқаро майдонларда юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилмоқдалар.

– Мамлакатимизда биз, ёшлар учун барча соҳаларда катта имкониятлар яратилган, – дейди Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия институти талабаси, шахмат бўйича Ўзбекистон ва халқаро турнирлар ғолиби, Зулфия номидаги давлат мукофоти соҳибаси М.Қаҳрамонова. – Шундай имкониятлардан унумли фойдаланган ҳар бир ёш албатта катта муваффақиятларга эришади. Мана бу каби фестивалларни ёшларни бирдамликка, ҳамжиҳатликка чорлайди. Ўзбекистонимизнинг келажаги ёшлар қўлида. Шундай экан биз қанчалик билимли, изланувчан ва интилувчан бўлсак юртимиз бунданда равнақ топиб бораверади.

Санъаткорлар жамоаси ва "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати фаоллари ўртасидаги футбол шоусида дўстлик ғалаба қилди. Эл севган санъаткор ва ёш ижрочилар томонидан куйланган куй-қўшиқлар барчага хуш кайфият бағишлади.

А.СОДИҚОВ

* * *

Яккасарой туманида "Биз буюк юрт фарзандларимиз" шиори остида Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтида бўлиб ўтган тадбир "Талабалар театр студияси" мавзусида ўтказилди.

Тадбир ҳаваскор театр актёрлари томонидан Шароф Бошбековнинг "Тикансиз типратиканлар" асаридан парча намойиш этиш билан бошланди. Сўнгра элимиз ардоғидаги санъаткорларга сўз берилди. Хусусан, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, шоир Бобур Бобомурод, киноактёр Эгамберди Раҳимов ва бошқалар ўз чиқишида мустақиллик йилларида ёшлар учун яратилган имкониятлар, Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар, қўлга киритган улкан ютуқларнинг туб моҳияти ва аҳамияти ҳақида тўхталди.

— Театрлаштирилган маънавий-маърифий тадбирдан ўзимиз учун оламолам таассурот олдик, — дейди Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти 2-босқич талабаси Орифжон Ибрагимов. — Айниқса, телеэкранларда тез-тез кўриб турадиган санъаткорларнинг институтимизга ташриф буюриши бизни янада илҳомлантириб юборди. Тадбир орқали "Биз кеча ким эдигу, бугун ким бўлдик", деган саволга жавоб топдик, десак муболаға бўлмайди.

Ёш мақомчилар кўрик-танловининг ғолибаси Дилором Абдуазимова, хонанда Фирдавс Пазлиддинов томонидан жонли тарзда ижро этилган куй-қўшиқлар тадбирга алоҳида файз бағишлади.

Мана шундай турли учрашув ва тадбирларга бой бўлган фестиваль уч кун мобайнида пойтахтимизнинг барча туманларида кўтаринки руҳда ўтказилмоқда.

* * *

"Биз буюк юрт фарзандларимиз" шиори остидаги ёшлар фестивали доирасида Миробод тумани ҳокимлигида ҳам "Ҳоким ва ёшлар" тадбири ташкиллаштирилди. Унда Миробод тумани ҳокими Шарофиддин Қодиров ўқувчи ёшлар билан юзма-юз мулоқотда бўлди.

Тадбирда туман ҳокими ўтган 25 йил ичида юртимизда амалга оширилган ишлар ҳақида тўхталиб, бу ютуқларнинг ортида Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилган фидокорона меҳнат мужассам эканлигини таъкидлаб ўтди.

Мустақиллик йилларида туман ҳаётида кескин ўзгаришлар рўй берди. Бугунги кунда туманда йирик-йирик ишлаб чиқариш корхоналари ишлаб турибди, маҳаллалар чирой очди, йўллар равонлашди, бир сўз билан айтганда, аҳоли турмуш фаровонлиги ошди...

Тадбирда П.Боровский ва Тошкент темир йўл ва транспорт касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари ўзларини қизиқтирган саволлар билан иштирок этдилар.

— Бугунги тадбирда иштирок этиб, ҳокимдан ўзимизни қизиқтирган саволларга батафсил жавоб олдик, — дейди П.Боровский номли тиббиёт коллежи 1-босқич ўқувчиси Назира Азизова. — Ушбу тадбирдан шуни англадикки, мустақиллик ўз-ўзидан қўлга киритилмаган, бунинг учун ота-боболаримиз жон олиб, жон бергани ҳақида кўплаб маълумотларга эга бўлдик.

— "Камолот" ЁИҲ томонидан ташкил этилган бу тадбир ўқувчилар дунёқарашини кенгайтиришда муҳим роль ўйнайди, — дейди Тошкент темир йўл ва транспорт касб-ҳунар коллежи "Камолот" ЁИҲ бошланғич ташкилот етакчиси Малика Отамуродова. — Ҳоким ва ёшлар ўртасидаги учрашувларда ўқувчилар дунёқараши кенгаяди, бугунги осойишта ҳаётнинг қадрига етади. Жамиятимизда юз бераётган ўзгаришлар ўз-ўзидан эмаслигини англайди.

Тадбир сўнгида фаол ёшларга ташкилотчилар томонидан диплом ва эсдалик совғалари топширилди.

К.ЗОКИРОВ



Мустақиллигимизнинг дастлабки йилларидан бошлаб мамлакатимизда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш масаласи давлат ижтимоий сиёсатининг стратегик йўналишларидан бири этиб белгиланди. Ўтган йиллар давомида миллат генофондини яхшилаш, оилада тиббий маданиятни юксалтириш, аҳолининг турмуш фаровонлигини ва узоқ умр кўриш даражасини ошириш мақсадида соғлом авлод туғилиши ва унинг тарбияси учун қулай шарт-шароитлар яратишга доир чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, изчил ишлар амалга оширилди.

2016 йил – Соғлом она ва бола йили

ОИЛА – МУҚАДДАС МАСКАН

Жорий йилимизнинг Соғлом она ва бола йили, деб эълон қилингани ҳам бу борадаги изчил ишлар давом эттирилиб, янада кенгайтирилишидек ҳайрли мақсаддан далолатдир. 2016 йил 9 февралда Президентимиз томонидан "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастури тасдиқланди. Унда "Она ва бола соғлом бўлса, оила бахтли, оила бахтли бўлса, жамият мустаҳкам бўлади", деган ҳаётбахш қадрият ва олижаноб ғояни жамиятимизда теран англаш ва қарор топтириш, оилани, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштириш, жамиятда оналарга алоҳида ҳурмат-эҳтиром муҳитини мустаҳкамлаш, баркамол авлодни тарбиялаш, оила институтини мустаҳкамлаш давлат ҳокимияти органлари ва жамоат ташкилотларининг ҳамкорлигини кучайтиришга қаратилган комплекс чора-тадбирлар кўзда тутилган.

Дарҳақиқат, оила ва никоҳнинг муқаддаслигини ёш авлод онгига сингдириш ҳамда оила аъзоларининг ҳуқуқий-маданий саводхонлигини ошириш орқали оилаларни мустаҳкамлаш, кундалик турмушимизда вужудга келаётган оилавий-мулкий ва бошқа низоларнинг камайишига эришиш бугунги куннинг энг муҳим масаласи ҳисобланади.

Шу мақсадда шаҳримиздаги ФҲДЁ органлари қошида Ёш оила қурувчилар дорилфунуни ташкил этилиб, мунтазам равишда белгиланган режа асосида никоҳга кирувчи келин-куёвлар ҳамда ёшлар ўртасида ўқув машғулотлари ўтказиб келинмоқда.

Мактаб фаолиятининг асосий мақсади – оила саводхонлигини ва унинг тарғиботини юксалтириш, оила қурувчи ёшларнинг маънавий, ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий, тиббий билимларини ошириш, ҳаёт сабоқларидан бахраманд этиш, хотин-қизлар ва болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларнинг оила қуришдаги муаммолар ечимини топишга ўргатишдир. Шунингдек, тингловчилар орасида миллий ғоя, халқимизнинг урф-одатлари ва анъаналаримизни, оиланинг жамият таянчи, муқаддас даргоҳ, муҳаббат қасри ва баркамоллик асоси эканлигини кенг тарғиб қилиш, оилавий аҳралишларнинг олдини олишдир.

Яна ҳам чуқурроқ тўхталиб ўтадиган бўлсак, бўлажак келин-куёвлар ҳамда вояга етаётган ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш, оила қонунчилиги, тиббий кўрикнинг моҳияти, соғлом турмуш тарзи, диний ақидаларни, соғлом фарзандларни дунёга келтириш, уларни ҳар томонлама етук ва баркамол қилиб тарбиялаш асосларини ҳамда эрта ва яқин қариндошлар ўртасидаги никоҳнинг зарарли оқибатларини тушунтириш, оилавий аҳралишларнинг олдини олишга қаратилган тарғибот ишларидан иборатдир. Бугунги кунда ушбу мақсадлардан келиб чиққан ҳолда оила дорилфунуни машғулотлари самарадорлиги ва таъсир кучини янада оширишда ушбу машғулотларга кумуш ва олтин тўй соҳиб ва соҳибаларини, яъни ибратли, намунали оила вакиллари таклиф этилмоқда. Улар ўзларининг ҳаётий тажрибалари, меҳнат фаолиятлари, фарзандлар тарбияси, оилавий муносабатлар юзасидан ўз маслаҳатларини бермоқдалар, ёшларни қизиқтирган барча саволларга тўлиқ, мазмунли, ибратли мисоллар билан жавоб бермоқдалар.

Олмазор туманида ҳам "Оила — муқаддас маскан" номли "Ёш оила қурувчилар мактаби" машғулотлари ташкил этилган бўлиб, унда ФҲДЁ бўлими, Олмазор туман ҳокимлиги, хотин-қизлар қўмитаси, соғлиқни сақлаш бўлими, "Оила" маркази, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва бошқа ҳамкор ташкилотлар билан жамоатчилик асосида иш олиб борилмоқда.

Куни кеча "Ёш оила қурувчилар мактаби"нинг 2015-2016 йиллардаги якуний ўқув машғулоти бўлиб ўтди. Унда бир қатор соҳа мутахассислари билан бирга "Мустақиллик" маҳалласида яшовчи намунали оила вакиллари Рашиджон Алиев ва Эльвира Алиевалар иштирок этдилар ва ёшларга ўзларининг ибратли оилавий ҳаётлари, оиланинг муқаддас даргоҳ эканлиги, унга ўта масъулият билан қараб, уни асраб-авайлаш кераклиги, ҳозирги даврда фарзандлар тарбиясида нималарга эътибор қаратилиши лозимлиги ҳақида сўзлаб бердилар.

Тадбирда Тошкент Маданият коллежи, Тошкент Шарқшунослик институти қошидаги академик лицейи ва Р.Глиэр номидаги Республика ихтисослаштирилган мусиқа академик лицейи ўқувчилари томонидан жонли ижрода дилрабо куй ва қўшиқлар ижро этилди.

Шунингдек, ўқув машғулоти якунида шаҳар Адлия бошқармаси, Олмазор туман ФҲДЁ бўлими ва туман ҳокимлиги, хотин-қизлар қўмитаси томонидан 150 нафардан ортиқ қатнашчиларга сертификатлар топширилди.

Дилором СУЛАЙМОНОВА,
Олмазор туман ФҲДЁ бўлими мудираси

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Тошкент шаҳри кўчаларида ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларини олиб бориш, транспорт коммуникациялари инфратузилмасини янада такомиллаштириш, шаҳар аҳолисига транспорт хизматини яхшилаш ва пиёдаларга қулайлик яратиш мақсадида бир қанча ҳудудларда бузиш ишлари олиб борилмоқда.

Ушбу ҳудудларда уй-жойлари бузилишга тушган оилаларни турар жой билан таъминлаш ишлари Тошкент шаҳар ҳокимининг қарорига мувофиқ белгиланган тартиб асосида, кўп қаватли уйларда жойлашган хусусий квартирасини туман ҳокимликлари ихтиёрига топширувчи фуқароларга ер участкалари ажратиш эвазига амалга оширилмоқда.

Ҳозирда, якка тартибдаги турар жой қуриш учун ер бўлаги олиш истагида бўлган фуқаролар, Тошкент вилоятининг Зангиота туманидаги "Қизғалдоқ" ва "Хонобод" фермер хўжалиги ерларидан (мўлжал: Олмазор туманидаги "Бешқўрғон" даҳаси рўпарасида ва Сергели тумани Қўйлиқ-5 даҳаси рўпарасида), ўзларининг хусусий квартирасини туман ҳокимликлари ихтиёрига топширишлари эвазига олишлари мумкинлигини маълум қиламиз.

Маълумот учун манзил ва телефонлар:

Олмазор тумани, Сағбон кўчаси, 166-уй (мўлжал: "Гузарбоши" МФЙ), тел: (+95) 199-22-52;

Шайхонтоҳур тумани, Оқилхон Шарофуддинов кўчаси, 10-уй (мўлжал: Ўқув даволаш тиббиёт коллежи), тел: (+94) 688-88-77, (+95) 193-03-13, (+97) 745-33-36.

Яккасарой туманидаги умумтаълим мактабларида соғлом овқатланишни ташкил этиш мақсадида мактаб ошхоналарини ижарага бериш бўйича

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛИНАДИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 2 майдаги "Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида соғлом овқатланишни ташкил этишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 132-сонли қарори асосида Яккасарой туманидаги умумтаълим мактабларида соғлом овқатланишни ташкил этиш мақсадида мактаб ошхоналарини ижарага бериш бўйича танлов эълон қилинади.

Танловда иштирок этувчилар аризалари Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 2 майдаги 132-сонли қарорининг 1-иловасига асосан қабул қилинади.

Талабгорлар ўзларининг ишларини компьютерда презентация орқали кўрсатишлари ҳам мумкин.

Танлов 2016 йилнинг 15 июль куни соат 10:00 да Яккасарой тумани, Ўрикзор 2-тор кўчаси, 45-уй (Яккасарой тумани халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими)да бошланади.

Изоҳ: Агар танловнинг ўтказилиш санаси ва жойи ўзгарган тақдирда талабгорларга телефон орқали хабар берамиз.

Танловга оид қўшимча маълумотлар билан www.yakkasaroy.poytaxt.uz орқали танишишингиз ва (371) 254-74-00, (371) 254-85-71 телефонлари орқали мурожаат этишингиз мумкин.

Ошхонаси танловга қўйилаётган Яккасарой тумани таълим муассасаларининг рўйхати ва манзиллари

№	Мактаб рақами	Мактаб манзили
1.	25-мактаб	Ш.Руставели кўчаси, 17-уй
2.	26-мактаб	Ш.Руставели кўчаси, 118-уй
3.	48-мактаб	А.Қаҳҳор кўчаси, 56-уй
4.	73-мактаб	Бобур кўчаси, 17-уй
5.	89-мактаб	Аския кўчаси, 26-уй
6.	91-мактаб	Юсуф Хос Ҳожиб кўчаси, 40-б уй
7.	100-мактаб	Нурмуҳамедов кўчаси, 105-уй
8.	118-мактаб	Глинка кўчаси, 21-уй
9.	127-мактаб	Бошлиқ мавзеси
10.	135-мактаб	Абдуллаев кўчаси, 4-уй
11.	144-мактаб	Сирожиддинов кўчаси, 2-уй
12.	160-мактаб	Ш.Руставели кўчаси, 21-уй
13.	172-мактаб	Ш.Руставели кўчаси, 148-уй
14.	319-мактаб	Қушбеги кўчаси, 21-уй

МАДАНИЙ МЕРОСИМИЗ НАМОЙИШИ

Ўзбекистон Бадиий академиясининг Икуо Хираяма Халқаро маданият карвон саройида Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 25 йиллигига бағишланган, Тошкент вилоятининг Қонқа ҳудудидаги археологик изланишлардаги топилмалардан ташкил топган "Аждодлар мероси" номли кўргазма очилди.

Карвон саройда ўқитиш, таълим ва кўргазмалардан ташқари археология соҳасида ҳам илмий изланишлар олиб борилади. Тарихий, маданий ёдгорликлар, бузилган, шикастланган тасвирий ва амалий безак санъат асарлари карвон саройнинг таъмирлаш устахонасида аслига ўхшатиб ёки яқинлаштириб қайта тикланади. Ушбу экспозицияга карвон сарой реставратори Наргиза Қаландарова ҳамда Камолиддин Баҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институтининг талабалари томонидан устоз-шогирд тизимида қайта тикланган 40 га яқин кўза, коса, хумча, чироқ ва бошқа буюмлар қўйилган. Намойиш қилинган фильм ва фотоэкспозицияда маданий меросимизнинг реставрация жараёнлари акс этган.

Кўргазманинг очилишида сўзга чиққан Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институтининг ректори Ҳасан Аминов, кафедра мудири Дилшод Ҳайитметов, профессор Абдуғани Абдураззоқов, карвон сарой реставратори Наргиза Қаландарова ва бошқалар мустақиллик йилларида, тарихимиз, миллий-маданий меросимизга оид археологик изланишлар, реставрация ишлари, яратилаётган шароитлар, ёшларни ҳар томонлама камол топган етук мутахассислар бўлиб етишишларига қаратилган эътибор, ютуқларимиз ҳақида, ҳаётий лавҳалар асосида атрофлича фикр юритдилар.

Кўргазма 15 июнгача давом этади.

Ҳасан АБДУНАЗАРОВ

Спорт янгиликлари





Май ойи якунларига кўра пляж (соҳил) футболи бўйича ФИФА томонидан янги рейтинг жадвали эълон қилинди.

БИР ПОҒОНА ЮҚОРИЛАДИ

Унга кўра Ўзбекистон терма жамоаси 56-поғонани эгаллади. Аввалги ойда 57-поғонада қайд этилган терма жамоамиз янги рейтингга кўра бир поғона юқорилади. Қитъамиз миқёсида эса терма жамоамиз 10-ўринни эгаллаган.

Акбар ЙЎЛДОШЕВ

ШАХМАТЧИЛАР ТАҚДИРЛАНДИ

Пойтахтимиздаги болалар ва ўсмирлар шахмат мактабида Осиё чемпионатининг ғолиб ва совриндорларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Эркаклар ўртасидаги кечган баҳсларда ҳиндистонлик С.Сетураман 7 очко жамғарган ҳолда ғолиб бўлди. Аёллар баҳсида ҳам яна бир Ҳиндистон вакиласи Кулкарни Бхакти шоҳсупанинг биринчи поғонасидан жой олди. Унинг ҳисобида ҳам 7 очко бор.

Бу сафарги қитъа биринчилигида вакилларимиздан Жаҳонгир Воҳидов 6 очко жамғарган ҳолда кучли ўнликдан ўрин эгаллади. Алишер Бекмуратов (6 очко), Ортиқ Ниғматовлар (5 очко) ҳам чемпионатда муваффақиятли иштирок этишди. Аёллар ўртасида ўтган беллашувларда 5,5 балл тўплаган Гулруҳбегим Тоҳиржонова тўққизинчи ўринга лойиқ кўрилган бўлса, Баҳора Абдусаторова 5 баллга эга бўлди.

Ботир ХЎЖАЕВ

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Бектемир туманидаги умутаълим мактабларида соғлом овқатланишни ташкил этиш мақсадида мактаб ошхоналарини ижарага бериш бўйича
ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛИНАДИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 2 майдаги "Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида соғлом овқатланишни ташкил этишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 132-сонли қарори асосида Бектемир туманидаги умумтаълим мактабларида соғлом овқатланишни ташкил этиш мақсадида мактаб ошхоналарини ижарага бериш бўйича танлов эълон қилинади.

Танловда иштирок этувчилар аризалари 2016 йил 10 июндан 10 июль соат 18:00га қадар Бектемир тумани, Билол Нозим кўчаси, 23-уй (Бектемир тумани ҳалқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими)да қабул қилинади.

Танловда давлат рўйхатидан ўтган, умумий овқатланиш бўйича камида олти йил давомида фаолият юритаётган, махсус моддий-техника базаси (замонавий технологик жиҳозлар), озиқ-овқат маҳсулотлари ва таомлар тайёрлаш технологияси бўйича мутахассислари мавжуд бўлган талабгорлар иштирок этишлари мумкин.

Аризага қуйидаги ҳужжатлар илова қилиниб, талабгорлар томонидан муҳрланган (агар муҳр мавжуд бўлса) конвертда танлов комиссиясига тақдим этилади:

— умумий овқатланишни ташкил этиш соҳасидаги фаолияти, иш тажрибаси тўғрисида маълумотнома;

— маҳсус моддий-техника базаси ва озиқ-овқат маҳсулотларини тайёрлаш технологияси бўйича малакали мутахассислар мавжудлиги ҳақида маълумотнома;

— бўш айланма маблағлари мавжудлиги тўғрисида банкнинг маълумотномаси;

— талабгорнинг таълим муассасаси ошхонасининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш бўйича истиқбол режаси ва таклифлари;

— талабгор томонидан тасдиқланган мавсумий намунавий таомномалар.

Танлов 2016 йилнинг 27 июль куни соат 10:00 да Бектемир тумани, Билол Нозим кўчаси, 23-уй (Бектемир тумани ҳалқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими)да бўлиб ўтади.

Танловга оид қўшимча маълумотлар учун **bektemir_txtb@xtv.uz** электрон почта манзили ҳамда **(99871) 292-87-09, 292-94-84** телефон рақамларига мурожаат этишингиз мумкин.

Ошхонаси танловга қўйилаётган Бектемир тумани таълим муассасаларининг рўйхати ва манзиллари

№	Мактаб рақами	Мактаб манзили
1	289-мактаб	Бектемир тумани, Б.Нозим кўчаси, 29-уй
2	290-мактаб	Бектемир тумани, Юқори Чирчиқ кўчаси, 50-уй
3	291-мактаб	Бектемир тумани, "Сувчи" даҳаси, "Роҳат" маҳалласи
4	292-мактаб	Бектемир тумани, Бинокор қўрғони,Сангзор кўчаси, 1-уй
5	293-мактаб	Бектемир тумани, "Сувчи" даҳаси, "Роҳат" маҳалласи

Тошкент шаҳрида йўловчи ташиш йўналишларида ишлаш ҳуқуқини олиш учун очиқ тендер ўтказилади

Очиқ тендерда мулкчилик шаклидан қатъи назар, солиқ органлари ҳисобида турувчи ва автомобиль транспортида шаҳарда йўловчи ташишни амалга ошириш учун лицензияси мавжуд (тавсиф қилинадиган ҳар бир автотранспорт воситаси учун лицензия варақаларига эга бўлиши шарт), юридик шахс мақомига эга бўлган ташувчилар иштирок этиши мумкин.

Тендерга қуйидаги йўналишлар қўйилади:

2016 йил 14 июль **соат 10⁰⁰да**

№	Йўналиш рақами	Йўналиш номи	Жадвал сони	Ҳаракат таркиби тури
1.	11М	"Қўйлиқ 4-мавзеси бекати – Тошкент МУМ АШБ"	10	Микроавтобус
2.	20М	"Юнусобод 12-даҳаси бекати – Фарҳод бозори бекати"	8	Микроавтобус
3.	56М	"Ал-Хоразмий мавзеси бекати – Спорт моллари дўкони бекати"	5	Микроавтобус
4.	72М	"Авиасозлар АШБ – Дўстлик метроси АШБ"	4	Микроавтобус
5.	115М	"МЖБК бекати – Дўстлик метроси АШБ"	4	Микроавтобус
6.	119М	"Мажнунтол" маҳалласи – Қўйлиқ М4 АШБ"	3	Микроавтобус
7.	137А	"Молия лицейи – Тошкент вокзали АШБ"	4	Автобус
8.	162М	"Авиасозлар АШБ – Олтин водий маҳалласи"	7	Микроавтобус

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 16 февралдаги 34-сонли қарори талаблари асосида тендерга такроран қўйиладиган йўналишлар

1.	1А	"А.Югнакий мавзеси АШБ – Пахтакор метроси АШБ"	9	Автобус
2.	7И	"Дўмбиробод мавзеси – Чилонзор буюм бозори бекати"	5	Микроавтобус
3.	14М	"Истиқлол" маҳалласи – Гулобод кўчаси"	5	Микроавтобус
4.	18М	"Қўйлиқ М4 АШБ – Авиасозлар АШБ"	10	Микроавтобус
5.	22А	"Дўстлик метроси АШБ – Тошкент МУМ АШБ"	6	Автобус
6.	53А	"Ўрикзор мавзеси – Истиқлол кўчаси"	9	Автобус
7.	64А	"Бирлик мавзеси – Пахтакор метроси АШБ"	6	Автобус
8.	66М	"Сергели қўрғони – Тошкент вокзали АШБ"	7	Микроавтобус
9.	75М	"Янгиобод мавзеси АШБ – Феруза мавзеси"	9	Микроавтобус
10.	79А	"Бирлик мавзеси – Бошлиқ мавзеси"	5	Автобус
11.	87А	"Чинни бозори бекати – Қорақамиш 2/4-мавзеси АШБ"	11	Автобус
12.	88А	"Ибн Сино 2-мавзеси – М.Юсуф кўчаси бекати"	12	Автобус
13.	114А	"Ибн Сино 2-мавзеси АШБ – Жанубий вокзал АШБ"	7	Автобус
14.	121А	"Юнусобод 9-даҳаси АШБ – Чинни бозори бекати"	11	Автобус
15.	122М	"Жарариқ кўчаси – Чорсу савдо маркази АШБ"	3	Микроавтобус
16.	124М	"Ўрикзор мавзеси АШБ – Пахтакор метроси АШБ"	14	Микроавтобус
17.	144А	"Ибн Сино 2-мавзеси АШБ – Ўзбек тили ва адабиёти университети"	4	Автобус
18.	147А	"Чорсу савдо маркази АШБ – Чинни бозори бекати"	12	Автобус
19.	153М	"Ал-Хоразмий мавзеси – Олой бозори бекати"	7	Микроавтобус
20.	183М	"Бинокор қўрғони – Қўйлиқ М4 АШБ "	5	Автобус

Тендер ташкилотчиси – Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 31 январдаги 11-сонли қарори асосида Тошкент шаҳар ҳокимлиги Йўловчи транспортининг барча турлари ҳаракатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш департаменти.

Тендерда иштирок этишни хоҳловчилардан буюртманомаларни қабул қилиш тендер ўтказилишидан 5 кун олдин тугалланади.

Тендер ҳужжатлари пакетини олиш учун Тошкент шаҳридаги ХАТБ "ORIENT FINANS BANK"нинг Юнусобод филиалидаги ҳ/р **2021 0000 0041 9797 1001** (банк коди 01075, ИНН 204094453, ХХТУТ 51600)га **326 000 сўм** ўтказилади.

Тендер таклифларини қабул қилиш тендер ўтказиладиган кундан бир кун олдин (соат 17⁰⁰да) тўхтатилади.

Тендер ўтказиш манзили: Тошкент шаҳри, А.Темур 1-тор кўчаси, 6-уй.

Маълумот учун телефон рақами: 233-89-58

Ўз-ўз ўрганиб доно бўлур

МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

Фикрлашдан тўхтаган яшашдан тўхтайди.

* * *

Ўзига ишонч кишига куч бағишлайди.

* * *

Яхши одамларнинг дўстлари ҳам яхши одамлар бўлишади.

* * *

Мазмунли умр қанча узоқ бўлса, шунча яхши.

* * *

Ип қанча таранг бўлса, узилиш хавфи шунча кўп бўлади.

* * *

Одамни ўзгалардан кўра ўзи кўпроқ қийнайди.

* * *

Кимга тили панд беради, кимга феъли.

* * *

Ким тафаккур одами, ким тасаввур.

* * *

Кимнинг ақли кирар кеч,
Кимнинг ақли кирмас ҳеч.

* * *

Ким куяди, ким кулади.

* * *

Ёш билаги билан кўтаради, кекса юраги билан.

* * *

Ҳамма нарсани кўнглига яқин оладиган киши ўзини қийнаб яшайди.

* * *

Бировдан эмас, ўзингдан гина қил.

* * *

Бекорчининг куни ўтиши қийин.

* * *

Фақат нодонгина ҳамма нарсани биламан деб ўйлайди.

* * *

Ҳаёт деб аталган узун йўлда ким билан яқинлашиб, ким билан узоқлашиб бораверасан.

* * *

Уйқу – бекорчининг дўсти.

* * *

Шубҳаю ваҳима тинчингни ўғирлайди.

* * *

Фикринг пишиб етилмагунча ёзишга ўтирма.

* * *

Нодонни фикридан қайтариб бўлмайди.

* * *

Ўзинг ишонмаган нарсага ўзгани ишонтиролмайсан.

* * *

Ҳусн – кўз қувончи, ақл – кўнгил озиғи.

* * *

Завқ билан қилинган иш баракали бўлади.

ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ

39-41 даража иссиқ бўлади.

*Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, **10 июнь** ва **11 июнь** эрталаб Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз йиғилишига имконият яратади, ифлосланиши даражаси паст бўлади.*

*Тошкент шаҳрида **10 июнь** куни ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 3-8 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 23-25, кундузи —*

Тошкент оқшоми
Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32
ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: 233-28-95. факс: (371) 233-29-55
2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган
Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ
ISSN 2010-9229
Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@umail.uz
Буюртма Г- 655
Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563
Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 10042 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2
Топшириш вақти: 13.00
Нашр учун масъул О. Ҳазратов
Босишга топширилди: 14.50
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй
Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ